
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ
ВА
ТАЪЛИМ**

4

2018

Тошкент

Ситмуратов Ш.Т.	Ўзбекистон республикасида меҳнат унумдорлиги ва ишчиларнинг асосий фондлар билан таъминланиши ўртасидаги боғланишни тадқиқ этиш.....	101
Аъзамов Д.Ў.	Мамлакат меҳнат салоҳиятининг шаклланишида оила саломатлигининг аҳамияти.....	107
Қорабоев Н.П.	Соғлиқни сақлаш соҳаси – меҳнат ресурслари таркибини шакллантиришга таъсир этувчи ижтимоий омил сифатида.....	113
Саидов Н.Р.	Қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш.....	116

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

Бердиева У.А.	Солиқларнинг йиғилувчанлиги даражасини ошириш мақсадида солиқ маъмуриятчилигини тизимли тадқиқ этиш хусусида	125
Шанасирова Н.А.	Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг ривожланиши ва ислоҳ қилиниши.....	134

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

Хусаинов Ғ.Л.	Ҳудудлар молиявий салоҳиятининг назарий жиҳатлари.....	144
Зокиров Ш.Э.	Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш усуллари ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....	149

ТАРМОҚЛАР ИҚТИСОДИЁТИ

Беркинов Б.Б.	Оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг институционал-ҳуқуқий нормалари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишлари.....	154
Махмудов Ш.С.	Характерные особенности управления деловой активностью организации.....	161

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Адылова З.Д.	Зарубежный опыт развития кластерной модели на рынке образовательных услуг.....	167
Чариев Д.М.	Японияда солиқ тизими.....	173
Абдувалиев А.А.	Ҳудудларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси.....	180

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Хасанов А.А.	Чорвачилик маҳсулотларининг асосий турларини етиштиришни прогноз қилишда мавсумийлик компонентларини ҳисобга олиш механизмлари.....	186
Эрхонова М.А.	Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини биологик усулда ҳимоялаш тизимини ривожлантиришнинг экинлар ҳосилига таъсирини баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш.....	195

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ВА
ИШЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ
ЎРТАСИДАГИ БОҒЛАНИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

**Ситмуратов Шухрат Тенгелович,
Тошкент давлат аграр университетининг
Нукус филиали ассистенти**

Аннотация. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ва изчил иқтисодий ислохотлар натижасида корхона ва тармоқларни модернизациялаш имкониятлари ортиб бормоқда, бунинг натижасида ишчи ва хизматчиларнинг асосий фондлар билан таъминланиш даражаси юксалмоқда. Мақолада ишчи ва хизматчиларнинг асосий фондлар билан таъминланиши ва меҳнат унумдорлиги ўртасидаги макронисбат, унинг динамикаси ва эконометрик модели кўриб чиқилган, фойдаланилмаган захира ва имкониятлар аниқланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари тадқиқ этилган.

Таянч тушунчалар: инвестиция, меҳнат унумдорлиги, асосий фонд, иқтисодий ўсиш, инновация, ижтимоий соҳа, иш кучига,

Аннотация. В результате осуществления системных и последовательных экономических реформ в стране возможности модернизации предприятий и отраслей растут, и это приводит к повышению уровня фондовооруженности работников. В данной статье рассматриваются соотношение уровня фондовооруженности и производительности труда на макроуровне, их динамика и эконометрическая макро модель, выявлены резервы, возможности и пути дальнейшего повышения производительности труда.


Ключевые слова: инвестиция, производительность труда, основной капитал, экономический рост, инновации, социальная сфера, рабочая сила.

Annotation: As a result of systematic and consistent economic reforms in the country, the opportunities for the modernization of enterprises and industries are growing, and this leads to an increase in the level of staff-to-worker ratio. This article examines the relationship between the level of labor-power ratio and labor productivity at the macro level, their dynamics and the econometric macro model, reveals the reserves, opportunities and ways to further increase labor productivity.

Key words: investment, labor productivity, fixed capital, economic growth, innovation, social sphere, labor.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги Фармонида биноан мамлакатни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ва унда иқтисодиётни тараққий эттириш ва либераллаштириш асосида аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга катта аҳамият берилган. Дарҳақиқат, глобаллашув ва рақобат кураши кескинлашган, номоддий омилларнинг ишлаб чиқаришдаги роли ошган, интеллектуал салоҳият ва ақлий меҳнатнинг инновациялар яратиш ва миллий иқтисодиётда қўллаш зарурати танқис ресурслардан самарали фойдаланишнинг аҳамиятини оширади. Инновацион ривожланишни таъминлаш мақсадида иш кучининг салоҳиятини янада ошириш учун

асосий капитал ва иш кучига инвестициялашнинг смарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқариш омиллари ва иқтисодий ўсиш манбаъларини тадқиқ этиш зарур. Ушбу мақолада юқоридаги масалани тадқиқ этиш учун ишлаб чиқариш функцияларидан фойдаландик ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий мувозанатни барпо этиш масалалари ўрганилди, тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳа ва иқтисодиётни ривожлантириш учун 2016 йилда барча мулк шаклидаги ташкилотларни 49770,6 млрд сўмлик (16782,3 млн АҚШ доллари эквивалентида) ёки 2015 йилга нисбатан 107,7 фоиз ҳажмидаги асосий капиталга киритилган инвестицияларидан фойдаланилди (1-расм).



1-расм. Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби, % ҳисобида

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг материаллари асосида муаллиф томонидан тузилди.

ЯИМга нисбатан капиталга киритилган инвестициялар улуши 2016 йилда 25 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 0,6 фоиз бандига ошди. (1996 йил 18,8%, 2000 йил 22,9%, 2005 йил 19,9%, 2010 йил 24,6%, 2015 йил 24,4%). 2016 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 2479,6 млн долларни ташкил қилди.

2016 йилдаги улуши: Таълим – 2,7%, АКТ – 2,2%, Ишлаб чиқариш саноати –

18,1%, Уй-жой – 22,3%, Илмий техник фаолият – 1%.

2016 йилда асосий капиталга 10611,4 млрд сўм (3578,1 млн доллар) миқдордаги хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этилди. Бу ўтган йилга нисбатан 114,5 фоизни ёки жами капиталга киритилган инвестицияларнинг 21,3 фоизини ташкил этди.

1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестициялар

Йиллар	Жами, млрд сум	Ўсиш суръати	ЯИМ улуши, %	Аҳоли жон бошига, млн сум	Ўсиш суръати
1995	88,9		29,4	3,9	
2000	744,5	107	22,9	30,2	102,1
2005	3165,2	101	19,9	12,1	99,6
2010	15338,7	105,7	24,5	593,1	104,5
2015	41670,5	108,7	24,4	1331,4	107
2016	49770,6	109,6	25	1562,8	105,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг материаллари асосида тузилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жорий баҳоларда миллий иқтисодиётга киритилган инвестициялар йилдан йилга муттасил ошиб бормоқда, уларнинг йиллик ўсиш суръати кейинги 7 йилда ўртача 7-8 фоиз атрофида бўлди. Айниқса, реал сектор корхоналарига ки-

ритилган инвестициялар иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига сабаб бўлмоқда. Инновацион ривожланишда таълим, ахборот технологиялари ва тоғ-кон саноатининг роли юқори бўлганлиги туфайли уларга киритилаётган инвестицияларнинг улуши ҳам ортиб бормоқда. Бунини қу-

йидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Соҳаларнинг 2016 йилдаги улуши куйидаги кўринишга эга: Корхона ва аҳолининг ўз маблағи 53 фоиз, Давлат бюджети малағлари 47 фоиз, Хорижий

инвестициялар ва кредитлар 21,3 фоиз. Иқтисодий ўсиш томилларининг сифат таҳлили билан биргаликда миқдор таҳлилни амалга ошириш учун замонавий иқтисодий математик усуллардан фойдаланамиз.

2-жадвал


Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар ҳажми

Соҳалар	2015 йил		2016 йил	
	млрд. сум	%	млрд. сум	%
Тоғ-кон саноати	1375,5	3,3	1646,4	3,3
Ишлаб чиқариш саноати	9701,1	23,3	7173,4	14,4
Қурилиш	446,6	1,1	717,3	1,4
Ахборот ва алоқа соҳаси	985,3	2,4	1098,5	2,2
Таълим соҳаси	963,7	2,3	1330,6	2,7
Соғлиқни сақлаш соҳаси	950,2	2,3	1140,2	2,3
Уй-жой қурилиши	9116,3	21,9	11081,7	22,3
Жами	41670,5	100	49770,6	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг материаллари асосида тузилди.

Миллий иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулоти (Y) иккита асосий омил: капитал (K), ишчи кучи (L) ва бошқа омилларга

A (автоном техник прогресс) боғлиқ. $Y=A \cdot F(K,L)$.



2-расм. Меҳнат унумдорлиги билан фонд сифими ўртасидаги функционал боғлиқлик

Жон бошига тўғри келадиган ЯИМга таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун юқоридаги функцияни ишчилар сонига бўламиз ($\frac{Y}{L} = Af(\frac{K}{L})$) ва унда меҳнат унумдорлиги автоном омилларга ҳамда иш-

чиларнинг асосий фондлар билан таъминланиш даражасига боғлиқ бўлади.

Ушбу боғлиқлик графиги юқоридаги расмда тасвирланган. Мазкур графикда автоном омиллар ўзгармас деб қабул қилинган. Ундан кўриниб турибдики, ҳар бир қўшимча капитал бирлигининг меҳ-

нат унумдорлигига таъсири борган сари камайиб боради. Бу эса иқтисодиётда сўнги ресурслар самарасининг пасайиш қонунини ифодалайди. Таъкидлаш жоизки, технологик тараққиёт омили ўзгармас бўлганида макроиқтисодиёт А нуқтада бўлади. Бу шароитда Y ва K бир хил суръатда ортади ва Y/K нисбати ўзгармас бўлади. Мазкур ҳолат иқтисодиётнинг "тинч", стационар ҳолати, деб аталади.


$$I = \Delta K + dK = \left(\frac{\Delta K}{K} + d\right)K = (k + d)K.$$

Ёпиқ иқтисодиётда савдо баланси nolга тенг, чунки $S=I$. Демак чап томондаги тенглик бошқача ёзилиши мумкин: s

Демак, иқтисодиётнинг барқарор ҳолати шarti: $l = \frac{\Delta L}{L} = \frac{\Delta K}{K} = k$ тенглиги билан

ифодаланади. Кейинчалик капиталнинг ўсиш суръати инвестиция даражасига боғлиқ бўлади: (I) соф инвестициялар капитал захираларини оширади (ΔI), фондларни алмаштиришга киритилган инвестициялар амортизация қийматини қоплайди (d). Яъни


Y ($s=S/Y$) ва уни ўнг томондагини инвестиция функцияси билан алмаштирамиз:



3-расм. Иқтисодиётдаги ишчиларнинг фондлар билан қуролланиши

$sY = (k + d)K$. Тенгликнинг иккала томонини ишчилар сонига бўлиш натижасида вертикал ва горизонтал ўқлар ўртасидаги алоқани қуйидагича изоҳлаймиз: $\frac{sY}{L} = (k + d)\frac{K}{L}$. Тенгламадан кўриниб турибдики, жами жамғармани ишчилар


сонига бўлингани ишчиларнинг фондлар билан қуролланишини капиталнинг ўзгариш тезлиги плюс асосий фондларнинг эскириш фоизи кўпайтмасига тенг. Чап томондаги тенгламани диаграммада жойлаштириш учун Y/L бўлини мани доимий жамғарма суръатига кўпайтирамиз.



4-расм. Солоунинг ўсиш модели, 2015 ва 2016 йиллар

Y/L ва sY/L оралиғи жон бошига тўғри келадиган истеъмол миқдорини, sY/L чизигининг пастки қисми жон бошига тўғри келадиган жамғарма миқдорини ифодалайди. Бу кейинги расмда кўрсатилган. Ушбу тенглик учун баъзи


бир ҳисоб-китобларни қилишимиз мумкин, яъни $\frac{sY}{L} = (k + d) \frac{K}{L}$. Юқорида айтиб ўтганимиздек, иқтисодиётнинг мувозонат ҳолати $t \frac{sY}{L} = (k + d) \frac{K}{L}$ да юз беради.



5-расм Солоунинг ўсиш моделлари, 2015 (А) ва 2016 (В)

Ортиқча инвестициялар (K/L) ишчиларнинг фонд билан қуролланишини даражасини оширади ва бу иқтисодиётни а вектор томонга силжитади. Кейинги йили қўшимча инвестициялар K/L нисбатини оширади, жамғарма ва инвестициялар В нуқтадаги талаб даражасидан паст бўлади (5-расм). Демак, ишчиларни фондлар билан таъминлаш учун инвестициялар етарли эмас. Бунга сабаб - капиталнинг

ошишига ишчи кучлари етарлича жавоб бермагани. Капитал ва инвестициялар тезлиги орасидаги узоқ муддатли боғлиқлик 5-расмда келтирилган. Солоу модели асосида ишчилар малакаси ошишининг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлаш мумкин. Бунинг учун дастлабки ишлаб чиқариш функциясига айрим ўзгартиришлар киритамиз.



6-расм. Юқори жамғарма фоизининг таъсири

Шартимизга биноан Ўзбекистон иқтисодиётидаги жараёнларни қуйидаги ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодалаймиз. $Y=F(K, L) = K^{0.4} (E \cdot L)^{0.6}$. Иккала томонини ишчилар сонига бўлиш натижасида юқори малакали ишчи меҳнат унумдорлигини аниқлаймиз: $\frac{Y}{E \cdot L} = \left(\frac{K}{E \cdot L}\right)^{0.4}$.

$$[1] \frac{sY}{EL} = (k + d) \frac{K}{EL} \quad \text{ёки} \quad [2] y - l = a + b(k - l)$$

Бу ерда: автоном омилнинг ўсиш тезлиги, b эса ЯИМ капиталга нисбатан эластиклик коэффициенти ва y бизнинг

Жамғарма фоизи 25 фоизга тенг десак, амортизация 5 фоизга тенг бўлса, аҳолининг йиллик кўпайиши 2 фоиз деб олсак ва иқтисодий ўсиш 2 фоизга тенг бўлса, барқарор иқтисодий ҳолат қуйидаги функция орқали ёзилади:

мисолимизда 0,4 га тенг. Биринчи ва иккинчи формуладан номаълумларни топамиз:

$$\begin{cases} \frac{sY}{EL} = (k + d) \frac{K}{EL} \\ y - l = a + b(k - l) \end{cases} \quad \text{бу ерда} \quad \frac{Y}{EL} \text{ бу } Y, \text{ ва } \frac{K}{EL} \text{ бу } k, \begin{cases} 25y = (2 + 5)k \\ y - 2 = 3 + 0.4(k - 2) \end{cases}$$

$$\begin{cases} 25y = 7k \\ y = 5 + 0.4k - 0.8 \end{cases} \rightarrow 25 \cdot 4.2 + 0.4k \cdot 25 = 7k, k = 35$$

Демак, $y = 9,8$ истеъмолнинг ўсиш суръатини ҳисоблаймиз: $\left(\frac{K}{E \cdot L}\right)^{0.4} - \frac{sY}{E \cdot L} =$

1.201. Агар технологик ўзгаришлар 5 фоизга ўзгарса, ишчиларнинг фондлар билан қурулланиши 1/0.05 фоизга, яъни бошқа сўз билан айтганда, 20 мартага ортади. Чунки ҳар бир малакали ишчига тўғри келадиган фондлар $K/E \cdot L$ ва меҳнат унумдорлиги $Y/E \cdot L$ орқали топилади.

Республикада нафақат иқтисодий юксалишни таъминлаш, балки аҳолининг фаровонлигини тубдан ошириш, уларнинг турмуш сифати, табий муҳит аҳволини яхшилашга эришиш, келажакда барқарор ўсиш учун пойдевор қўйиш муҳим. Буни эса билимларга асосланган иқтисодиёт асосида амалга ошириш мумкин.

Замонавий инсон фаолиятининг ўзига хос хусусияти – ҳар бир маҳсулот ва хизматда билимлар таркибий қисмининг мавжуд бўлишидир. Аксарият ташкилотларда олинган самаранинг катта қисми махсус билимларни қўллаш, ходимларни ўқитиш, ҳамкорлар ва контрагентлар билан тармоқ бўйича ўзаро ҳамжиҳатлик қилиш натижасига айланмоқда.

Инновациялар тобора фаоллашмоқда. Бунда уларнинг манбалари анъанавий илмий тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюросидан маҳсулот истеъ-

молчилари, маркетинг бўлимларига қараб йўналишини ўзгартирди. Бироқ, сўнгги пайтда иқтисодиётда янги йўналишларга нисбатан кўпинча ушбу атама қўлланилмоқда. Бу кейинги вақтда такрор ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўзгаришлар рўй бергани билан боғлиқ. Авваламбор, бу кенг қамровли ва барча жараёнларга кириб бораётган инновацияларга тааллуқли. Улар нафақат моддий, балки номоддий объектларга ҳам дахлдор бўлмоқда. Ахборот ва билимларга ишлов бериш имконияти ҳам ўзгарди. Ахборот ресурслари том маънода ижтимоий бойликни яратишда устунлик қилмоқда.

Республикамизнинг инновацияларга асосланган ривожланиш йўлига ўтишга тайёрлигини таҳлил қилишда мамлакат иқтисодиёти янги шароитларга мослашиш учун талай имкониятларга эга эканини қайд этиш жоиз. Бу имкониятлар, биринчи навбатда, юқори таълим салоҳияти, инновация жараёнининг катта имкониятлари ва миллий инновация тизимининг моддий-техника базаси етарлича ривожлангани билан боғлиқ. Айни пайтда, институциоанл муҳитни ривожлантириш борасидаги ҳал этилмаган муаммолар Ўзбекистонни билимлар иқтисодиёти томонга ҳаракат қилишига тўсқинлик қилаётган ўзига хос “ғовлар”

ҳисобланади. Бу, хусусан, иқтисодий давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш самарадорлигининг пастлиги, венчур тадбиркорлигининг ривожланмагани, юқори маъмурий тўсиқлардир. Мамлакатда янги иқтисодий шакллантириш бўйича мавжуд улкан салоҳиятни амалга

ошириш учун замонавий иқтисодий институционал асосларини ривожлантириш, билимлар иқтисодийнинг моддий-техника базасини жадал ўстириш, жумладан, замонавий коммуникация ва алоқа воситаларини оммавий ривожлантириш зарур.

Манба ва адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони*
2. *CENTER for ECONOMIC RESEARCH of UZBEKISTAN, 2004. Knowledge Economics and Its Implication on Uzbekistan. Tashkent: CER publishing.*
3. *CHEN DEREK H.C. and KEE L. H., 2005. A Model on Knowledge and Endogenous Growth [online]. Available from: <http://www.worldbank.org/publications>*
4. *Қаюмова Н.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланиш жараёни янги – сифат босқичининг эконометрик тадқиқи. Тошкент, ТДИУ, 2012. Иқтисодий фанлари доктори диссертациясининг автореферати.*
5. *ROMER M. Paul, 1990. Endogenous Technological Change [online] The Journal of Political Economy, Vol. 98, No. 5, Part 2: The 2 Problem of Development: A Conference of the Institute for the Study of Free Enterprise Systems (Oct., 1990), pp. S71-S102. Published by: The University of Chicago Press*
6. <http://stat.uz>

**МАМЛАКАТ МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА
ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аъзамов Дилнур Ўлмас ўғли,
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодийни
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази кичик илмий ходими,
ТДИУ магистранти**

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакат меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти тушунчалари фарқланган. Меҳнат салоҳиятининг шаклланиши оила институтига боғланган ҳолда таҳлил қилинган. Оилада репродуктив саломатлик ва унинг туғилишлар сифатига таъсири ўрганилган.

Таянч тушунчалар: меҳнат салоҳияти, меҳнат ресурслари, аҳолининг такрор барпо бўлиши, оила саломатлиги, репродуктив майл, репродуктив саломатлик.

Аннотация: В этой статье различаются понятия трудовые ресурсы и трудовой потенциал страны. Осуществлены анализ формирования трудового потенциала в непосредственной связи с институтом семьи. Изучена влияние репродуктивного здоровья семье на качество рождаемости.

Ключевые слова: трудовой потенциал, трудовые ресурсы, возрождение населения, здоровье семьи, репродуктивное желание, репродуктивное здоровье.

Abstract: In this article, the concepts of labor resources and labor potential of the country differ. Realization of the analysis of formation of labor potential in direct connection with the family institution. The influence of the reproductive health of the family on the quality of fertility has been studied.

Key words: labor potential, labor resources, population revival, family health, reproductive desire, reproductive health.